



TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

Анжуман

Нурафшон шаҳридаги Тошкент вилояти ҳокимлиги анжуманлари залида “Ўзбек хотин-қизларининг давлатчилик тарихимиздаги ўрни ва хизматлари” мавзусида илмий анжуман ўтказилди.

АЁЛЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ: ЎЗБЕК ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИМИЗДАГИ ЎРНИ



Анжуман Олий Мажлис Сенати, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Хотин-қизларнинг жамиятидаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси ҳамда Фанлар академияси Тарих институти ҳамкорлигида илмий мулоқот тарзида ўтказилди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтган мулоқотда сенатор ва депутатлар, ҳукумат вакиллари, вазирлик ва идоралар раҳбар аёллари, Фанлар академияси Тарих институти, “Узархив” агентлиги, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, жумладан, вилоятимизнинг фаол хотин-қизлари, жамо-

атчилик вакиллари иштирок этди.

Анжуманни Олий Мажлис Сенати Раиси, Хотин-қизларнинг жамиятидаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси Танзила Нарбаева кириш сўзи билан очиб берди.

Бугунги кунда хотин-қизларнинг давлат бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда фаоллигини оширишга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Сўнги беш йилда хотин-қизларга доир 32 та норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Ўтган йили 191 минг нафар аёллар касб-хунарга ўргатилиб, 2 минг нафар қизларнинг шартнома пуллари тўлаб берилди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Қарор ва ижро

Биз билиб-билмаган Усмон Носир

Президентимизнинг 2022 йил 10 февралда қабул қилган «Оташын шоир, таржумон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарори асосида Усмон Носирнинг ҳаёти ва фаолиятини, хусусан, унинг қатагон даврида кечган йилларини ўрганиш, асарларини чоп этиш, бу борада Россия Федерациясининг тегишли ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш юзасидан кўплаб ишлар олиб борилмоқда.

4

Тадорик



Ҳамкорлик

ИСТИҚБОЛЛИ ҒОЯ – ИШОНЧЛИ САРМОЯ



Туманининг “Беруний” маҳалласи ҳудудида ташкил этилган агрокомплекснинг майдони 11,4 гектарни ташкил этади. Лойиҳанинг умумий қиймати 30 миллион АҚШ доллари тенг бўлиб, шундан 12,4 миллион АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар хиссасига тўғри келади.

Мулоқот давомида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, Янгийўл тумани ҳокими У. Ялғашев Эрон давлатидан келган Али Замоний Ҳабибуллоҳ билан учрашди. Бир миллион долларга яқин инвести-

ция киритиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тақлифи билан келган инвесторлар: “Биз давлатдан кредит олиб ишлаймиз. Барча лойиҳаларни ўз маблагларимиз ҳисобидан амалга оширамиз”, деб самимий қабул учун ўз миннатдорчиликларини билдиришди.



Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаевнинг ташаббус ва тақлифи билан Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон ҳамда Ирландия давлатларидан ташриф буюрган бир гуруҳ инвесторлар Куйи Чирчиқ туманида ташкил этилган “Қуёнчилик ва наслчилик агрокомплекс” масъулияти чекланган жамият фаолияти билан танишишди.

ОКМК: МАҲСУЛОТ ҲАМ, ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ҲАМ ОРТДИ



Олмалик кон-металлургия комбинатида жорий йилнинг ўтган етти ойи давомида нафақат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ортиги билан бажарилди, балки маҳсулотларнинг экспорт ҳажми ҳам ошди.

ОКМК томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорт географияси йилдан йилга кенгаймоқда.

Жумладан комбинат маҳсулотлари асосан Туркия, Россия Федерацияси, Беларусь, Қозғистон, Болгария, Озарбайжон, Қирғизистон, Украина, Польша, Тожикистон, Индонезия, Ни-

дерландия, Хитой, Туркманистон, Афғонистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Улар сафига – Суринам, Кения, Австралия, Литва, Грузия, Португалия, Канада, Австрия, Испания, Финляндия, Марокаш ва Сингапур ҳам қўшилди. Ушбу давлатларга асосан мис маҳсулотлари сотилган.

Хорижий харидорларга 45 минг 940 тонна мис маҳсулотлари экспорт қилинган, белгиланган режа 113,4 фоизга уддаланган. Шунингдек, 42 минг 815 тонна мис катоди, 3 минг 125 тонна мис қувурлари юборилган. Бундан ташқари, 36 минг 55 тонна рух маҳсулотлари экспорт амалга оширилган. 188 тонна

кадмий металл харидорларга сотилган бўлиб, режа 117,5 фоизга бажарилган.

Мис купороси экспортида 5234 тонна натижа қайд этилган. Молибден маҳсулотлари экспорти режаси 151,9 фоизга бажарилган ҳолда, 486 тонна маҳсулот хорижлик ҳамкорларга етказилган. 15 минг 953 тонна кўрошин концентрати экспорт қилиниб, режа 130,8 фоизга уддаланган.

2022 йил январь-июль ҳолатига ОКМК томонидан 623 402 000 долларлик маҳсулот экспорт амалга оширилган ҳолда, режа 133,5 фоизга бажарилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

ОКМК Ахборот хизмати

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ



БўКА туманининг “Кийикчи” маҳалласида енгил конструкцияли контейнердан қурилган тиббиёт шаҳобчаси фойдаланишга топширилди.

Шаҳобчада зарур шароитлар яратилган бўлиб, оилавий шифокор, патронаж ҳамширалари аҳолига хизмат кўрсатишмоқда.

Тумандаги яна бир неча маҳаллада аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш мақсадида шундай тиббиёт пунктлари қурилмоқда.



ТОШКЕНТ туманидаги “ОРЗУ” қошонасида “Иқбол”, “Тутзор” ва “Сабзавот” маҳаллалари фаоллари ҳамкорлигида “Табаррук нурунийлар эл ардоғида” номли байрам тадбири ўтказилди.

Тадбирга ярим аср ва ундан зиёд биргалиқда, намунали ҳаёт кечирган табаррук отахон ва онахонлар, шунингдек, ёш оилалар ҳамда ижтимоий Ҳусуан, маҳалладаги 6 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суна туйлари ўтказиб берилди. Шунингдек, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди.



ОҲАНГАРОН шаҳар масъулларидан иборат вакиллар Мўйноқ туманининг “Ҳақим ота” маҳалласида бўлиб, бир қатор хайрли ишларни амалга оширишди. Хусусан, маҳалладаги 6 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суна туйлари ўтказиб берилди. Шунингдек, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди.



ЎРТА ЧИРЧИҚ туманида “Темир дафтар”да рўйхатда турувчи оилаларнинг 289 нафар фарзандларига туман ҳокими ташаббуси билан янги мактаб формалари топширилди. Яқин кунларда яна 1 минг 392 нафар ўғил-қизга босқичма-босқич мактаб формалари етказиб берилиши режалаштирилган.



ЧИРЧИҚ шаҳридаги 3-сонли умумтаълим мактабида “Пайванд” МЧЖ билан ҳамкорликда 2022-2023 ўқув йили учун мактаб формаси ярмаркаси ташкил этилди. Ярмаркада ота-оналар мактаб формаларини арзон нархларда сотиб олишлари мумкин.



Миришкор деҳқонларимизнинг эрта баҳордан қилган самарали меҳнатлари тарозига тушадиган, пахта хом ашёсидан оппоқ хирмон барпо этиладиган, образли айтганда, ғалвирни сувдан кўтарадиган дамлар тобора яқинлашмоқда.

Пахта йиғим-теримида қанча машина тайёр?

Ўзани парваришлаш ва ҳосилдорликни таъминлаш бўйича барча ҳудудларда «Долзарб 30 кунлик» эълон қилинди. Шу муносабат билан Тошкент вилоятида ҳам штаб ташкил этилиб, ишчи гуруҳ аъзолари томонидан пахтачиликка ихтисослашган туманлардаги 72 минг 161 гектар пахта майдонларида ғўза парваришига доир белгиланган агротехник тадбирлар кунлик мониторинг қилиб борилмоқда.

Масъуллар томонидан “АПК Бўка”, “АПК Чиноз” кластерларининг мавсумга тайёргарлик жараёнлари билан танишиш

асносида, дефолиация тадбирида қатнашувчи техникаларнинг шайлиги, далани танлаш, эритмалар тайёрлаш, дефолиантларни қўллаш меъёрларига қўйилган талабларга оғишмай риоя этилиши, санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш сингари ўта муҳим вазифалар ҳам юклатилди. Мазъумот ўрнида айтиш мумкинки, жорий йилги мавсумга мавжуд 157 та пахта териш машиналари тўлиқ жалб қилинади.



АЁЛЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ: ЎЗБЕК ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИМИЗДАГИ ЎРНИ



2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг 69-мақсади “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш” деб белгиланган.

Албатта, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ниш, хотин-қизларнинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни ва хизматларини халқимиз орасида кенг тарғиб қилишни тақозо этади, – деди Танзила Нарбаева. – Хурматли Президентимиз миллий онгни тарбиялаш, замонавий билимларни ўзлаштиришда тарих фанининг алоҳида ўрни борлигини доим таъкидлаб келадилар.

Фурур билан таъкидлаш мумкин, ўтмишда давлат бошқаруви, ҳарб иши, юрт ҳимояси, мулкчилик, қурилиш, ишбилармонлик, ҳомийлик, таълим-тарбия, адабиёт, диний соҳаларда ўзбек аёллари кўрсатган фаолият унча-мунча халқ ва давлат таърихида учрамайди. Буни сўнги беш-олти йил ичида жадал ривожланишни бошдан кечириётган тарих фанида қўлга киритилган илмий натижалар ҳам исботламоқда.

Жараён

ЈІСА: ҳамкорлик давом этади

Япониянинг Japan International Cooperation Agency ташкилотининг Ўзбекистондаги “Юкумсиэ касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилиш” лойиҳаси раҳбари Абе Чихару хоним ҳамда Аоки Коджи Окүргон тумани тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги қишлоқ оилавий поликлиникалари фаолиятини ўрганишди.




Жараёнда, лойиҳа ташаббускорлари томонидан ҳудуддаги тиббиёт мутахассисларининг малакасини ошириш, жаҳон тиббиётдаги охириги ютуқлардан хабардор қилиб бориш, замонавий тиббий ускуналар ва ахборот технологиялари билан ишлашда амалий кўникмаларни шакллантириш борасида режалар белгилаб олинди.

Интилиш

КООПЕРАЦИЯ УСУЛИ АҲОЛИГА ДАРОМАД КЕЛТИРМОҚДА

Бугун мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, дастур доирасида кредитлар ажратилган механизмни соддалаштириш, аҳолининг бандлигини ошириш, даромад манбаини кенгайтириш борасида қўлмалли ишлар амалга оширилмоқда.



Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Хосият Бобомуродова ва Республика Маънавият ва маърифат маркази Тошкент вилояти бўлими раҳбари Сайёра Фаизиева Юқори Чирчиқ туманининг “Истиқбол” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Гулмира Мансурова хонадонда бўлиб, тадбиркорнинг муваффақияти сирлари билан танишишди.

беданачилик фаолияти билан шуғулланади. Корхонада кооперация йўналишида 50 та ишчи ўрни яратилиб, шунча аёлнинг бандлиги таъминланди.

Нишондорларимиз

КАСБИДАН “ШУҲРАТ” ТОПДИ

Бўка тумани ахборот-кутубхона маркази директори Наргиза Мусаева Президентимизнинг фармонида кўра, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини арафасида “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.



– Кўп йил мактабда кутубхоначи бўлиб ишладим, – дейди Н. Мусаева. – Туман марказидаги кутубхонада иш бошлаганимда, ўз устимда кўпроқ ишлашим кераклигини англадим. Сабаби, ўзингиз билимли бўлмасангиз китобхонага кераклик адабиётни тавсия этолмайсиз. Шунинг учун ҳам кутубхонага келган ҳар бир янги китобни ўқиб чиқаман. Ҳозирда кутубхонамизда 31 мингдан зиёд китоб фонди мавжуд. Уларни китобхонлар учун асраб-авайлашга масъулман. Мендек оддий кутубхона ходимининг меҳнатлари қадрланиб, мукофотга лойиқ қўрилганимдан хурсандман. Юрти-

мизда инсон қадрини, унинг меҳнати ҳеч қачон эътиборсиз қолмаслигига яна бир бор амин бўлдим. Наргиза Мусаеванинг таъкидлашича, марказда бир кунда 60-70 нафар китобхона хизмат кўрсатилади. Шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида турли мавзудаги тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиб, турли соҳа вакиллари билан учрашувлар ўтказилади.

– Китобхона учун қўлайлик яратилмас экан, ўқув зали ҳеч қачон тўлмайдди, – дея давом этди Н. Мусаева. – Туманимиз марказида замонавий кутубхона барпо этилишини орзу қиламан. Ёруғ, кенг заллари бўлса. Айниқса, ногиронлиги бор шахсларга қўлайлик яратилса, айна муддао бўларди. Ҳозирда вақтинчалик бўлса ҳам хизмат биносига эгамиз. 2024 йилда туманимизда замонавий ахборот-кутубхона маркази қурилиши режалаштирилган. Наргиза опа бахтли оила бекаси. Турмуш ўроти Бахтиёр Раҳмонов билан уч нафар ўғилни тарбиялаб, элга қўшишди. Бир нафар набираси бор. Оиласи, маҳалла-қўй, ишхонасида ҳамма ҳурмат қилувчи “кутубхоначи опа” ҳалол меҳнати ортидан “Шуҳрат” топди.

Нигора ЎРОЛОВА /Тошкент ҳақиқати/ Муаллиф олан сурат

Қишлоқ мулкдорлари

Жорий йилнинг июнь ойида Бўстонлиқ туманига тадбиркор Нигора Турсунованинг агро экотуризм халқаро лойиҳаси билан танишиш мақсадида Эрон давлатининг балиқчилик билан шуғулланувчи “Abziban” корхонаси раҳбарлари келишди. Ушбу лойиҳа “Шарқ аёли” халқаро фонди билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган бўлиб, туманда туризмни янада ривожлантириш мақсад қилинган.

ТИНИБ-ТИНЧИМАС ФЕРМЕР



Шунингдек, Н. Турсунова эронлик инвесторлар билан интенсив усулда балиқ етиштириш бўйича ҳам келишувга эришди. Эндилликда унга тегишли “Олтин боғ барак” фермер хўжалиги яна икки янги йўналишга қўлайди.

катнашди ва ер харид қилди. Отасидан ўрганганлари қўлиб, «Олтин боғ барак» фермер хўжалигини ташкил этди. Аммо Ҳазалкент ҳудудидаги ҳосилдан чиқиб қолган ерларни яроқли холга келтириш осон бўлмади. Анча машаққатлар билан 14 гектар майдон мева ва сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжалигига айлантирилди. Ҳозирда у ерда олма, узум, гилос ва турли сабзавот экинлари парваришланади. Хўжалик баланд тоғлар бағрида бўлиб ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

ҳали ҳам сувни тежаб ишлатамиз, исроф қилмаймиз. Нигора Турсунова туман Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази раҳбари ҳамдир. У тадбиркорликда ўзини синаб қўришдан чўчимайди аёлларга билганларини, иш тажрибасини бажонидил ўргатмоқда.

– Президентимиз хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб қарорлар чиқаряптилар, – дея давом этди Нигора опа. – Марказимиз 2019 йилнинг октябры ойидан иш бошлаган бўлиб, хотин-қизларни касбга ўргатиш бўйича қисқа ўқув курслари ташкил этганмиз. Бу таълимнинг кейинги босқичларини давом эттириш ёки пуллик курсларда таҳсил олишга шaroити бўлмаган хотин-қизлар учун катта имконият. Бепул ўқув курслари уларнинг ҳунар ўрганиши, хусусий тадбиркорлигини бошлаб, ўзи ва атрофидагиларни иш билан таъминлашда катта ёрдам бўлади. Марказимизда аёллар асарличилиги, уй меҳмонхонаси, тикувчилик, фермерлик, паррандачилик, томорқачилик каби 12 та йўналиш бўйича ўқитилмоқда. 48 соатга мўлжалланган бир ҳафталик курсларнинг ҳар бирида 20 нафардан тингловчи иштирок этади. Семинарларга малакали мутахассислар, тадбиркорлик соҳасида муваффақиятга эришган раҳбар аёллар жалб этилади. Мақсади-миз – уйда утирадиган ишсиз аёлларни кичик ва ўрта бизнес учун яратилаётган имкониятлар, уларнинг ҳуқуқий асослари, кредит олишдаги имтиёзлар билан яқиндан таништириш ва уларга ҳар томонлама қўмаклашишди.

Тадбиркорликнинг турли йўналишларида изланиб, самарали меҳнат қилаётган Нигора Турсунова 2016 йилда “Ишбилармон аёл” кўрик-танловнинг республика босқичи совриндори бўлган. Шунингдек, “Шарқ аёли” халқаро фонди томонидан ўтказилган “Аёл ва рақамли иқтисодиёт” лойиҳаси номинанти.

Нозима РАСУЛОВА /Тошкент ҳақиқати/ Аброр ЭСОНОВА олан сурат

Таълим



ОЛМАЛИҚЛИК ЎҚУВЧИЛАР БУЮК БРИТАНИЯГА БОРАДИ

Пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида Президент соврини учун “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” танловининг Республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танловнинг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан жами 14 та мактабдан 70 нафар ўқувчи иштирок этди. Унда Юнусобод туманидаги 97-мактаб жамоаси 1-ўринни эгаллади. Бухоро шаҳридаги 40-мактаб жамоаси иккинчи ва Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳридаги 5-мактаб жамоаси 3-ўринга муносиб деб топилди.

Азал-азалдан таълим, илм-фан барча даврларда тамаддун чашмаси сифатида эътироф этилган, рағбатлантирилган. Тарих силсиласида ўз исботини топган бу тамойил бугун ҳам дунё мамлакатларининг юксалиши йўли сифатида қўрилмоқда. Мамлакатимизда, айниқса, кейинги йилларда таълим сиёсатининг устувор йўналиши сифатида хорижий тилларни чўқур ўргатишни ривожлантириш, ўқитувчи ва ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 19 майдатида “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори дунё бозорига рақобатбардош, ҳар томонлама етуқ кадрлар тайёрлашга замин яратди.

асосида баҳолашга қаратилган. Топшириқлар хорижий ва маҳаллий мутахассислар томонидан шакллантирилган.

Республика таълим тизимида чет тилларни ўрганишни оммалаштириш, бир нечта хорижий тилда сўзлаша оладиган кадрлар тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар кўлами йилдан-йилга энг чекка ҳудудларни ҳам қамраб олмоқда. Мактаблар кесимида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг хорижий тилларни ўрганиш даражасини белгилаш, мактаблар рейтингини ишлаб чиқиш, чет тилларни ўргатиш сифатини чекка ҳудудларда ҳам яхшилаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар самараси ушбу танловда ҳам ўз аксини топди.

Дарҳақиқат, етуқ билим ва салоҳиятга эга, хорижлик ҳамкорлар билан эркин мулоқотга кириша оладиган, инвестицияларни жалб қила биладиган, дунёда тўй бераётган воқеалар ҳақида чет тилда ҳам ўз фикрини эркин баён эта оладиган кадрлар тайёрлаш бугуннинг муҳими талаби. Ана шу мақсадда ташкил этилган танлов бу борада муҳим қадам бўлди. Зотан, Учинчи Ренессанс шундай иқтидорли ёшлар бунёд этишига ишонамиз.

– Мазкур танлов ёшларнинг хорижий тилларни эгаллаш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари натижасини баҳолаш билан бир қаторда, утуқларимиз ва камчиликларимизга разм солиш, навбатдаги амалий вазифаларни белгилашга имкон беради, – дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги директори вазифини бажарувчи Санжар Обидов. – Танловнинг республика босқичида иштирок этган 70 нафар ўқувчининг барчаси 14 нафар устози билан Буюк Британияга таълим саёҳатига юборилади. Шунингдек, 3-ўрин 300 миллион сўм, 2-ўрин 400 миллион сўм, 1-ўрин соҳиби бўлган жамоа эса, 500 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Ўз мухбириимиз

Бу йўналишда амалга оширилган ишлар хусусида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вакиллари куйдагиларни сўзлаб беришди.

Муҳиддин АБДУСАМАТОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби:

– Қарор асосида кенг қамровли ишлар бошлаб юборилган. Жумладан, Усмон Носирнинг «Танланган

лари, драмалари топилди. Аввалдан маълумки, Усмон Носирни Пушкин ва Лермонтов шеърятининг таржимони, деб билардик. Энди маълум бўлдики, Усмон Носир Гётедан, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асаридан айрим болларни таржима қилган экан. «Танланган асарлар»да шулар ҳам жамланган.

логия фанлари доктори Мархабо Кўчқорова каби олимларимиз фаол хисса қўшишди. Ҳозирда Усмон Носир ҳақида саҳна асарларини яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театрида адиб Жавлон Жовлиевнинг «Усмон Носир» асари саҳналаштирилди. Шоир

жилдли асарлар мажмуаси тайёрланмоқда. Бу туркум маърифий лойиҳада Усмон Носир ижодига ҳам алоҳида жилд, алоҳида китоб ажратилмоқда. Унга шоир Усмон Носирнинг шеърлари, дostonлари, драмалари кирган. Ҳозирда Усмон Носир билан боғлиқ архив материалларини ўрганиш борасида изчил ишлар олиб

тилмоқда. Ҳайкалнинг эскизи Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Бадий академияси, Маданият вазирлигига тақдим этилди. Ҳайкалнинг очилиши куз ойларида бўлиб ўтади. Кемеровода Усмон Носирга бағишланган адабий-маърифий тадбирларнинг дастлабкиси ҳам ўтказилади. Шунингдек, октябрь ойида Кемеровода «Менинг



Биз билиб-билмаган Усмон Носир

ҳақида Абдулла Аъзам, Нодира Рашидова каби ижодкорларнинг ҳам саҳна асарлари бор. «Шарқ юлдузи» журналида Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзониён «Усмон Носир» номли драмаси чоп этилган. Шунингдек, наманганлик ижодкор Жамолиддин Муслим янги драма яратди.

Рисолат ҲАЙДАРОВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Халқаро алоқалар ва бадий таржима бўлими бош мутахассиси:

– Уюшма томонидан «Туркий адабиёт хазинаси» номли 100

борилмоқда. Бунда Ўзбекистоннинг Новосибирск (Россия Федерацияси)даги бош консулиги катта ёрдам бермоқда.

Сабаби, Россия Федерациясидаги бир қатор тегишли ташкилотлар, архив идоралари билан биргаликда иш олиб боришга тўғри келади. Бу материаллар Усмон Носирнинг Россиядаги ўша оғир дамлардаги ҳаёти ҳақида маълумот беради. Шунингдек, Кемеровода мазкур шаҳар маъмурияти ташаббуси ва ҳисобидан ўзбек шоири Усмон Носирга мухташам ҳайкал ўрнатилиши кўзда ту-


боғим» деб номланган адабий кеча ҳам ташкил этилади.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Усмон Носир ижодига бағишланган йирик конференция, адабий мулоқотлар ўтказиш режалаштирилган. Шу билан бирга «Шеърятда Усмон Носирнинг маҳорат сабоғи» туркум дарсларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Буларнинг барчаси оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир ижодини янада кенг тарғиб этиш имконини беради.

ЎЗА

асарлар» китоби нашрга тайёрланди. Бу асарнинг аввалгиларидан фарқи шундаки, китобда Усмон Носирнинг илк марта китобга киритилган шеърлари бор. Бу шеърлар ўз даврида ўша олис йилларнинг матбуоти саҳифаларида қолиб кетган эди. Шунингдек, Усмон Носирнинг адабий, публицистик мақола-

Нашрга тайёрланган яна бир китоб «Усмон Носир замондошлари хотирасида» деб номланади. Унда оташин шоир ҳақидаги энг яхши тадқиқотларга кенг ўрин берилган. Китоб уч қисмдан иборат бўлиб, хотиралар, мақолалар, Усмон Носирга бағишланган шеърлар ўрин олган. Ушбу китобларни тайёрлашда академик Наим Каримов, фило-



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay’ati raisi)

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G’afurjon MUHAMEDOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Salom SAMADOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Ra’no TURDIBOYEVA

Sergey MUTIN

Zarifa ERALIYEVA

Azamat KAMOLOV

Bosh muharrir:

G’ayrat SHERALIYEV

Qabulxona: (71) 233-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari:

(71) 233-70-10

Mas’ul kotib:

(71) 233-90-82

Bo’lim muharrirlari:

(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:

(71) 233-54-10

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir:

Kumush EGAMBERDIYEVA

Mas’ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 20.10

Nashr ko’rsatkichi – 205.

Buyurtma G-835.

3 725 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida bosildi.

Qog’oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan ro’yxatga olingan.

Manzillimiz:

11500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo’li ko’chasi, 90.

Toshkent shahridagi ofsimiz: 100000,

Matbuotchilar ko’chasi, 32.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo’jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

СПОРТ янгиликлари

Ҳиндистондан қўшалок хушxabар
Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида Халқаро шахмат федерациясининг йиғилишида 2026 йилги Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасининг мезбони маълум бўлди.

Овоз бериш жараёнида иштирок этган делегатларнинг асосий қисми ушбу нуфузли мусобақа Ўзбекистонда ўтказилишини қўллаб-қувватлади.

Шу тариқа, тўрт йилдан сўнг ўтказиладиган 46-Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасига юртимиз мезбонлик қиладиган бўлди. Бу борада Ўзбекистонга Польша ва Замбия мамлакатлари рақобат кўрсатди.



Газетани нашрга тайёрлаётганимизда Ҳиндистондан яна бир хушxabар келди. Ченнай шаҳрида яқунланган 44-Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида Ўзбекистон шахмат мактабининг "Олтин авлоди" ғолиб бўлди. Бу буюк галаба! Офарин!

“Бриллиант лига” ғолиби

Енгил атлетика бўйича Польшада “Бриллиант лига” мусобақаси ўтказилди.

Енгил атлетиканинг баландликка сакраш йўналиши бўйича жаҳоннинг энг кучли спортчиларидан бири – ўзбекистонлик Сафина Саъдуллаева бу нуфузли мусобақада олтин медални ютишга муваффақ бўлди.



Аҳамиятлиси, Сафина жаҳон чемпионатидан кейинги ўринда турувчи нуфузли мусобақада галаба қозongan биринчи ўзбекистонлик атлетга айланди.

Тазквондочилардан 4 медаль

Жорий йилнинг 2-7 август кунлари Болгария пойтахти София шаҳрида тазквондо WT бўйича ўсмirlар ўртасида Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Қайд этиш кераки, мусобақада 2 та кумуш, 2 та бронза медалини қўлга киритган ўзбекистонликлар умумжамоа ҳисобида 8-урини эгаллашди.



Аввалроқ, 15 ёшли Шарифа Давронова енгил атлетиканинг 3 ҳат-

Ҳаётда уч нарсани эҳтиёт қилиб ишлатинг:

- қадамни;
 - қаламни;
 - қасамни.
- Уч нарсани пок тутинг:**
- танани;
 - кийимни;
 - хаёлни.
- Уч нарсани ишга солинг:**
- ақлни;
 - ҳимматни;
 - сабрни.
- Уч нарсадан парҳез қилинг:**
- гуноҳдан;
 - афсусдан;
 - фарёддан.
- Уч нарсани булғаманг:**
- қалбни;
 - тилни;
 - кўзни.

ЭНГ МУҲИМ УЧ НАРСА...



Янгилик

Кўтиб олинг: “АГРО ТВ”



Шунингдек, медиа технологияларнинг замонавий усуллари ва тенденцияларидан фойдаланилган ҳолда маҳаллий томошабин ҳамда хорижий инвесторларни гўш, сут, қандолат маҳсулотлари, мева-сабзавот, пахта, бугдой ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасидаги сўнгги янгиликлар билан таништириб боради.

Бундан ташқари, аудиторияни жаҳон ва маҳаллий қишлоқ хўжа-

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасини ёритадиган янги инновацион телеканал ташкил этилади. Телеканал «Агро ТВ» деб номланиб, унда агросаноат соҳасига тегишли маълумотлар берилади, деб хабар бермоқда ЎЗА. Телеканалнинг асосий мақсади – мамлакат қишлоқ хўжалиги секторини янги ва замонавий ракурсларда очиб бериш.

лиги соҳасидаги янгиликлардан хабардор қилиш, томошабинга бу соҳадаги халқаро тажриба, инновациялар, ноу-хау, шунингдек, етачки маҳаллий ва хорижий экспортларнинг фикрлари билан танишиш имкониятини беради. «Агро ТВ» телеканали ўзбек, рус ва инглиз тилларида эфирга узатилади. Телеканал қамрови Ўзбекистоннинг барча вилоятларини ўз ичига олади.



Султонбой ДЕҲҚОНОВ фототезиси

КАПАЛАК

Гулга кўнса, қанотлари ботмайди,
Ожизларим бировга тош отмайди,
Бир кун яшар, бир-бирларин сотмайди,
КАПАЛАКлар одамлардан меҳрибон!..
Муҳаммад ЮСУФ

Мана гап

“Зинҳор бу ёлгончи дунёда ўликдан – жон, га-
дойдан – садақа, хасисдан – насиба сўраманг.
Нима сўрасангиз фақат Аллоҳдан сўранг.
Берса неъмат, бермаса ҳикматдир.”
Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ

Шаҳарга энди келган вақтим Райим билан танишганман. У ҳам институтга кириш илҳида келган. Имтиҳонга қадар яшаб туриш учун ижарага уй қидира бошладик...

Жой топилавермагач, икки кун кўчада ҳам қолиб кетдик. Сўнгра ёнимиздаги бор пулни қўшиб, Райимнинг маслаҳати билан бозордан тарвуз олиб, бир маҳаллада уч-тўрт сўм қимматига сота бошладик. Дўстим росмана пишиқ бола чиқди, унинг таббиркорлиги сабаб ишимиз анча юришиб қолди. Камина тарвузларга қоровуллик қилишни қўйиллатардим. Шу сабабли ҳам маҳалладан тарвуз олгани чиқадиган кўпчилик билан танишиб олдим. Айниқса, биздан сал нарида писта, курт сотадиган онахон жудаям меҳрибон аёл эди. Новвой амаки ясаб берган сўрида тонг пайтлари гўжанак бўлиб ухлаб ётганимни кўрган шекилли, бир кун

эрталаб уйдан янги кўрпа олиб чиқиб берди. Онахоннинг айтишича, кўрпани ўглининг тўйига атаб тиккан экан. Эътирозимга

қарамай кўрпани қолдираркан: «Латта инсондан азиз эмас» деди. Ундан нарироқдаги дўкон сотувчиси, кирakash амаки... хуллас, ўша маҳалла бизни қадрдон гўшамизга айланди. Райим дўстим ёнимиздаги дўконга ишга кирди ва эгаси билан ака-ука бўлиб кетди. Дўкондор бирор зарур юмуш билан кўчага чиқса, дўконини Райимга ишониб ташлаб кетар эди. Кўнларнинг бирида ранг-кути оқариб кетган Райим шошганча келиб, дўкондаги телевизорни бошқа жойга кўчираман деб қўлидан тушириб

юборганини айтди ва эгасига нима деб жавоб бериши тўғрисида маслаҳат сўради. Мен эса унга булган воқеани очик айтгин,

ушун: «Тирноққа зор бўлиб кетай, телевизорга қўлимни ҳам теккизмадим», деб қасам ичиб туриб олди. Бу йигитни шунчаликка боради деб ўйламагандим. Дўстимга қасам ичиш яхшиликка олиб келмаслигини, дўкон эгасидан кечирим сўрашини қанча тайинламай, барибир ўз билгандан қолмади.

Ўйлаб топилмаган ҳикоялар

Сўнг устахонага бордик. Уста телевизорни у ер бу ерини текшириб, бир пастда тузатиб берди. Уста ҳақи эса бор-йўғи икита каттароқ тарвузнинг пули бўлди. Шу орада имтиҳонлар ўтди. Уқишга кирганимни эшитиб, роса қувондим. Райимнинг бали камлик қилиб, бир йилдан кейин талаба бўлди. Аммо қасам ичадиган одат чиқаргач, ундан узокроқ юришга ҳаракат қилдим.

Орадан анча йил ўтиб, у билан кўришиб қолдим. Ранг-рўйидан касал одамга ўхшайди. Айтишича, уч марта оила қурибди, аммо, бирортасидан фарзанд кўрмабди. У қачонлардир ичган қасамини эслаб роса йўғлади. Мен унга тасалли беришга ожиз эдим...
Элбек ШОЙИМ

ҚАСАМ

